



1995 йил 10 июндан  
чиқа бошлаган

MILLIY TIKLANISH

ИЖТИМОЙ

ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ ГАЗЕТА

ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ ГАЗЕТА

# САМИЙ МУЛОҚОТЛАР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов  
24-26 февраль кунлари Корея Республикасига ташриф буюрди.

Сеулдаги "Чонг Ва Дэ" қароргоҳида 26 февраль кун Ислон Каримов ва Корея Республикаси Президенти Ли Мён Бакнинг учрашуви бўлиб ўтди.

Сеул расмий доиралари томонидан юксак кадрланади. Ўзбекистон Корея Республикасининг Шимолий Корея ва Жанубий Кореянинг ҳамкорлигини ривожлантириш орқали тинчликни мустақамлаш ва Шимолий Кореянинг Осиёни биргалликда ривожлантиришга қаратилган "Тинчлик ва фаровонлик" сиёсатини ҳам қўллаб-қувватлайди. Корея Республикаси эса Ўзбекистоннинг Жаҳон савдо ташкилотига аъзо бўлишини, "Ўзбекистон ҳаво йўллари"нинг "Sky Team" тизимига қўшилишини ёқлайди.

Тошкент ва Сеул халқаро терроризм, экстремизм ва нарқобизнесга қарши курашда ҳамкорликда олиб борилган иш қўрилган натижани бериши борасида ҳам ҳамфикр. Ўзбекистон-Корея саммитлари изчиллик касб этгани ҳам мамлакатларимиз, икки давлат раҳбарлари ўртасида ўзаро ишонч, ҳурмат ва самимиятга асосланган муносабатлар қарор топганидан далолатдир.

Ислон Каримов ва Ли Мён Бак Ўзбекистон билан Корея ўртасидаги икки томонлама муносабатларнинг ҳозирги аҳоли ва иқтиқобига доир масалалар, уларни қизиқтирган долзарб минтақавий ва халқаро муаммоларни муҳокама қилдилар.

Мамлакатимиз раҳбари Сеул яқинидаги Инчон шаҳридаги "GMDAT" заводида ташриф буюрди. Бу ерда ўзлаштирилган

Давлатимиз раҳбарининг 2006 йил март ойидаги Корея Республикасига давлат ташрифи асносида ўша кезлари Сеул мэри лавозимида ишлаган Ли Мён Бак Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримовга икки мамлакат халқларининг дўстлигини мустақамлашга қўшган улкан ҳиссаси учун "Сеулнинг фахрий фуқароси" унвонини берган эди. Сеулда бўлган бу галги Ўзбекистон-Корея саммити давлатларимиз ўртасидаги ҳурмат-эътиборга асосланган бундай самимий муносабатлар олий даражадаги дўстликка айланганининг яна бир тасдиғидир. Стратегик шериклик муносабатларини расмийлаштирган Ўзбекистон ва Жанубий Корея бугун ўзаро ҳамкорликни ана шу асосда ривожлантириб бормоқда.

Ўзбекистон билан Жанубий Корея технологик ва сармоявий ҳамкорлик борасида катта тажриба тўплаганини қайд этиш жоиз. Ўзбекистон кореялик ишбилармонлар иш-тироки билан ишлаб чиқаришнинг ўта ноёб ва айни пайтда барқарор даромад келтирадиган соҳаси бўлган автомобилсозликни ўзлаштиргани бунга яхши мисол бўла олади. Замонавий технология-

ларнинг бугунги ҳаётдаги ўрни ғоят кенгайиб бораётгани сир эмас. 2005 йилнинг май ойида Корея Республикасининг ўша пайтдаги Президенти Но Му Хённинг Ўзбекистонга ташрифи кунлари Тошкент ахборот технологиялари университетида Ахборот технологиялари маркази очилди.

Маълумотларга қараганда, мамлакатларимиз ўртасидаги ўзаро товар айирбошлаш ҳажми ўтган йили 850 миллион АҚШ долларини ташкил этган. Жорий йилда бу кўрсаткич 1 миллиардга етказиш кўзда тутилмоқда. Корея Республикаси Ўзбекистон билан ҳамкорликда таълим, автомобилсозлик, тўқимачилик, ахборот технологиялари, нефть-газ, инфратузилма, қурилиш каби соҳаларда янги лойиҳалар ишлаб чиқиш ва амалга оширишдан манфаатдор. Президент Ислон Каримов билан учрашувда Ли Мён Бак бунга яна бир бор тасдиқлади.

Ўзбекистон ва Жанубий Корея халқаро ташкилотлар доирасидаги ҳамкорликни ҳам изчил ривожлантирмоқда. БМТнинг амалдаги Бош қотиби Пан Ги Муннинг ушбу лавозимга номзоди Ўзбекистон томонидан қўллаб-қувватланган-

технологиялар, ишлаб чиқариш жараёни билан танишди. "DAEWOO" компанияси Ўзбекистонда автомобилсозлик соҳасини ўзлаштиришда муҳим ўрин тутган. Айни пайтда мамлакатимиз "GMDAT" билан алоқаларни ривожлантирмоқда ва Ўзбекистонда "GM-Uzbekistan" қўшма корхонаси ташкил этилди.

"GMDAT" президенти Майкл Грималди билан бўлиб ўтган суҳбат чоғида автомобилсозлик соҳасидаги ҳамкорликка доир лойиҳалар ижросининг бо-риши, янгиликларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш имкониятлари билан боғлиқ масалалар юзасидан фикр алмашилди.

Сеулга ташриф асосида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов «Korean Air» ва «Корея газ корпорацияси» ("КОГАЗ") раҳбарларини қабул қилди. Ушбу музокаралар Ўзбекистонга салкам 2 миллиард АҚШ долларига тенг инвестиция киритишни назарда тутадиган натижалар билан якунланди. Демак, мамлакатимиз раҳбари Ислон Каримовнинг Корея Республикасига ташрифи самарали бўлди, эришилган келишувлар икки мамлакат халқлари манфаатларига узоқ муддат хизмат қилади, дейишимиз учун барча асослар бор.

Анвар БОБОЕВ,  
Ўза Махсус мухбири,  
Тошкент-Сеул-  
Тошкент.

## Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

РОССИЯ ФЕДЕРАЦИЯСИ ПРЕЗИДЕНТИ ВЛАДИМИР  
ВЛАДИМИРОВИЧ ПУТИННИ «БУЮК ХИЗМАТЛАРИ УЧУН»  
ОРДЕНИ БИЛАН МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси билан Россия Федерацияси ўртасидаги аънаваний дўстлик ва ҳамкорлик муносабатларини ҳар томонлама ривожлан-

тириш ва чуқурлаштириш борасидаги улкан хизматлари ҳамда халқаро хавфсизлик ва барқарорликни таъминлашга қўшган салмоқли ҳиссаси учун

Россия Федерацияси Президенти Владимир Владимирович Путин

Ўзбекистон Республикаси Президенти  
Тошкент шаҳри,  
2008 йил 20 февраль

"Буюк хизматлари учун" ордени билан мукофотлансин.

И. КАРИМОВ



Жамият тараққийтини етук инсонларгина белгилайди. Бунда ўқитувчилар зиммасига нечоғли масъулиятли вазифа юкланганлигини билиш қийин эмас. Чунки келажгимиз ворислари — ёшларимизнинг мукамал таълим-тарбия олишларига айнан устозларнинг меҳру муҳаббати орқали эришилади. Бунинг учун ўз касбу корини сидқидилдан сеवучи ва уни болаларга ўргатишда ҳар қандай машаққатдан чўчимайдиган жонкуяр мураббий бўлиш талаб этилади.

Ана шундай шарафли касбга меҳр қўйган инсонлардан бири Тошкент шаҳар Юнусобод туманидаги 70-мактабнинг она тили ва адабиёти фани ўқитувчиси, "Шуҳрат" медали соҳиби Дилфуза ГАНИЕВАдир.

Азамат АХМАД  
олган сурат.

## УСТОЗ — ОПАНАТДЕК УЛУГ

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси ташаббуси билан тақомиллашиб бораётган "Устоз — отангдек улуг" аънаван бугунги кунда ҳаётимизда муҳим дастуриламалга айланган, десак муболага бўлмайди.

Миллий аънаваларни юкори поғонага кўтаришдек олижаноб мақсадларни ўзида мужассамлаштирган бу ўлмас ғоя бугун юртимизда эзгу ниятларни юзага чиқаришга хизмат қилмоқда. Ёш авлодни барқарол

инсон этиб тарбиялашдан тортиб, касб-хунар ўргатишгача бўлган кенг қамровли жараёни ўз ичига олган мазкур аънава ҳаётимизнинг қатор жабҳаларига тобора чуқур сингиб бормоқда. Мустақам ил-

диз отаяпти. Авлодлардан авлодларга ўтиб, янада тақомиллашиб бормоқда. Айниқса, мустақиллик йилларида устозлар меҳнатининг бой самараси ва шогирдлар эришаётган бекўёс ютуқлар ҳам бундан яққол далолат бериб турибди. Энг муҳими, партия ташаббусининг ёшларга қанот, устозларга рағбат бағишлаганлиги, қўтлуг ишлар йўлидаги давлаткор кучга айланганлигидир!

Бугун газетамизнинг 2-3-саҳифаларида "Устоз отангдек улуг" кўш саҳифасини эътиборингизга ҳавола этаямиз.

ЎЗМТДП туман кенгашларида

### «ЁШЛАРГА КЕНГ МАЙДОН ЯРАТАМИЗ»

Пойтахтимизнинг С.Рахимов туманидаги 243-умумтаълим ўрта мактабда ЎЗМТДП туман кенгаши ташаббуси билан "Ёшларга кенг майдон яратамиз" мавзусида тадбир бўлиб ўтди. Унда партия фаоллари, ўқувчи ёшлар ва уларнинг устозлари иштирок этишди.

Ийгиликда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, партиянинг Тошкент шаҳар кенгаши раиси Раъно Зарипова сўзга чиқиб, жойларда партия фаоллари томонидан амалга оширилаётган ишлар тўғрисида гапирди. Маърузачи ёшларни миллий кадриятларимизга сadoқат билан тарбиялаш муҳим масала эканлигини таъкидлаб, уларни ватанпарварлик руҳида яшашга ундади. Шундан сўнг "Синфдош" журнали бош муҳаррири Азиз Саид, ЎЗМТДП С. Рахимов туман кенгаши раиси Мансур Юнусов, мактаб директори ўринбосари Гаўҳар Зухурова кун тартибидagi мавзу юзасидан фикр-мулоҳазаларини билдиришди.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюмчаси аъзоси, филология фанлари номзоди Тўлқин Эшбек болаларга аталган шеърларидан ўқиб берди. Ўқувчи ёшлар маърузачилардан уларнинг қизиқтирган саволларга жавоб олишди. Тадбирнинг давоми қизгин баҳс-мунозаралар билан ўтди. Ўқувчилар тайёрлаган бадий дастур даврага файз киритди.

Раҳима МАЛИКОВА.

### ФАОЛЛАР ТАШАББУСИ

ЎЗМТДП Учтепа туман кенгаши ташаббуси билан "Навоий ва Бобур — Шарқнинг миллий маърифатпарварлари" мавзусида тадбир ташкил этилди.

Партиянинг Жиззах шаҳар кенгаши томонидан "Ёшлар оғоҳ бўлинг: ахборот хуружи" мавзусида давра суҳбати уюштирилди.

ЎЗМТДП Самарқанд туман кенгаши ташаббуси билан "Таълим-тарбия жараёнларида замонавий усул ва йўналишлар" мавзусида давра суҳбати ўтказилди.

Партиянинг Чироқчи туман кенгаши томонидан "Аёл, оила ва ёшлар" мавзусида йиғилиш уюштирилди.

ЎЗМТДП Ангор туман кенгаши туман хотин-қизлар қўмитаси билан ҳамкорликда "Оқила киз — маҳалла кўрки" мавзусида тадбир ўтказди.

Партиянинг Жиззах вилояти кенгаши ташаббуси билан "Гийёҳвандлик — умр

кушандаси" мавзусида йиғилиш бўлиб ўтди.

ЎЗМТДП Қарши шаҳар кенгаши томонидан "Миллий урф-одатлар ва кадриятлар маънавиятимиз кўзгусидир" мавзусида тадбир ташкил этилди.

Партиянинг Янгийўл туман кенгаши Саломатлик маркази билан ҳамкорликда "Биз гийёҳвандликка қарши йўқ деймиз!" мавзусида тадбир уюштирилди.

ЎЗМТДП Бухоро вилояти кенгаши ташаббуси билан "Табиат — ёшлар нигоҳида" мавзусида лицей ўқувчилари ўртасида тасвирий санъат кўргазмаси ташкил этилди.

Партиянинг Яқобго туман кенгаши томонидан "Миллий тикланиш — меннинг партиям" мавзусида давра суҳбати ўтказилди.

ЎЗМТДП Марказий кенгаши Матбуот хизмати.

## МИЛЛИЙ БАНК: ИМКОНИЯТ, ЮТУҚ, ВАЗИФА

Яқинда бўлиб ўтган Ўзбекистон Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки кенгаши ва бошқарувининг кенгайтирилган йиғилишида ўтган йил якунлари ҳамда жорий йилдаги вазифалар муҳокама қилинди. Шунингдек, унда Президент Ислон Каримовнинг Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2008 йилда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган мажлисидаги маърузасида қўйилган вазифаларни бажариш йўллари белгилаб олинди.

Таъкидландики, қулай макроиқтисодий шарт-шароит банкнинг муваффақиятли ишлари учун кенг имкониятлар яратиб берди. Хизобот йили учун қўйилган стратегик мақсадларни амалга ошира бориб, молиявий муассаса республиканинг инвестиция дастурини амалга ошириш, мамлакатда ишлаб чиқарилган махсулотларни экспорт қилиш, кичик бизнесни ривожлантириш дастури қўллаб-қувватланишини, миқозлар базаси билан ишлаш усуллари тақомиллаштирилиши ва хизматлар сифати яхшиланишини тўлиқ таъминлади.

2007 йил якунлари бўйича банкнинг жамлама баланси хажми (миллий валюта эквивалентида) мулқат суммада 4.208 миллиард сўми (жумладан, тизимдан ташқари оборотларсиз 3.170 миллиард сўми) ташкил этди. Миллий валюта эквивалентида 20,2 миллиард сўм миқдорда соф фойда олинди. Бу эса аввал-

ги йил натижасидан 2,1 баравар кўпдир. Банк сармояси 2007 йилда 539 миллиард сўмдан иборат бўлди.

Кредит портфели 2008 йил 1 январдаги ҳолатга кўра 2.036,8 миллиард сўми (эквивалентда 1,6 млрд. АҚШ долларини) ташкил қилди. Кредит портфелининг асосий улуши узоқ муддатли кредитлардан иборат бўлди. Уларнинг қийсий салмоғи 57,9 фоизга тўғри келади.

Кичик бизнесни қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш дастури доирасида бир қанча хорижий банклар ва молия муассасалари, республика бюджетдан ташқари фондларнинг кредит йўналишларини ҳамда банкнинг ўз маблағларини ўзлаштириш орқали лойиҳаларни қўриб чиқиш ишлари олиб борилди. Хозирги вақтда умумий қиймати 445,1 миллион АҚШ доллари бўлган

152 та лойиҳа молиялашга қабул қилинган. Улар бўйича кредитлар суммаси 259,0 миллион АҚШ долларини ташкил этмоқда. Банкнинг ўз маблағлари ҳисобидан 2007 йилда кичик бизнес субъектларига берилган кредитлар ҳажми 181,2 миллиард сўми, Имтиёзли кредитлаш фонди маблағлари ҳисобидан ажратилган кредитлар миқдори 4,8 миллиард сўми

ташкил қилди. Республиканинг барча минтақаларида жойлашган банк бўлим ва филиаллари корпоратив ҳамда чакана миқозларга кенг доирадаги замонавий банк хизматлари қўрсатилишини таъминламоқда. Улар сони 1.526,8 миңга етди ёки 24,1 фоизга кўпайди. Хисобоврақлар сони 12,2 фоизга ошди.

Ўзгариб бораётган иқтисодий муҳит шaroитида банк ўз фаолиятида асосий эътибор-

маблағлари банкдан ташқарида айланишини қисқартиришга ёрдам бермоқда.

Бу йўналишда олиб борилаётган фаолият аҳоли депозитларининг сўм эквивалентидаги ҳажмини 223,5 миллиард сўмга етказиш имконини берди. Хўбжи, йил бошида бу кўрсаткич 184,6 миллиард сўм эди. Жумладан, миллий валютадаги омонатлар ҳажми 20,6 миллиард сўм миқдорда кўпайиши таъминланди. Миллий банк ҳисобот йилида "Western Union", "Азия Экспресс", "Контакт" ва "MIGOM" тизимлари орқали тезкор пул жўнатмаларини амалга ошириш борасидаги ишларни давом эттирди. Натижада операциялар умумий хажми ҳисобот даврида 121,5 миллион АҚШ долларини ташкил этди. Шундан 110,7 миллион АҚШ доллари тўланган жўнатмалардир.

Давоми 4-бетда



# ЭНГ ЯХШИ ХУНАР — ИЛМ

Устоз деган улуг номга мушарраф бўлиш, ҳурмат ва қадр топиш ҳам бир бахт аслида. Қайси соҳада бўлмасин, ёш авлод вакиллари катталарнинг мададига, ёрдамига эҳтиёж сезади. Шу маънода устоз-шогирдлик аъёнларини икки авлод ўртасидаги кўприкка қиёс этиш мумкин. Узоқ ўтмиш — мозийга назар ташласак, бу эзгулик риштасининг инсоният камолотида нақадар муҳим эканлигини чуқур ҳис қиламиз. Устозлар бор экан, илму маърифат тирик, ҳаёт нурафшон.

Бу хайрли аъёнанинг давомчиларидан бири, Тошкент Давлат педагогика университети амалий санъат кафедраси мудири, УэМТДП Марказий кенгаши аъзоси, педагогика фанлари доктори, профессор Саидхўра БУЛАТОВ билан суҳбатимиз кенгаши ва бугунги устоз-шогирдлар, уларнинг ютуқ ва камчиликлари, ибратли ишлари тўғрисида бўлди.

— Бир мураббий устоз шогирд эмас, шогирд устозни танлайди, дегандилар. Ушанда устоз ва шогирд орасидаги муносабатнинг кўз илгамас, нозик томонлари ҳам борлигини эътиборга олгандилар, назаримда. Тажрибали педагог сифатида бу ҳақда нима дейсиз?


— Бобомдан бир ривоят эшитганим. Утмишда тотувгина яшаб юрган эр-хотин бор экан. Эрнинг касби ҳаммомлик экан. Ҳаммомнинг хотини бир маърақага борса, ҳеч қим уни давранинг тўрига тақлиф этмабди. Лекин устанинг хотинини эъзозлаб, тўрага ўтказибдилар. Ҳаммомнинг хотини унга келиб эрига: «Қанақа касбдан қатъий назар, уста бўласиз!» — дебди. Ҳаммомнинг чорвадор жўраси бор экан, ўшанинг касбини ўрганишга мажбур бўлибди. Мол боққани учун бир танга олса, қўлини ювмоққа кетадиган совун пулига ун танга бераркан. Бу фойда келтирмайдиган касбини ташлай деса, хотини рози бўлмасми. Сабаби, хотини кай маърақага борса, уни эъзозлаб, унинг тўрига ўтказарканлар. Бобом ўшар ривоятни хулосалаб: «Қаранг, уста деган ном қанчалар улуг!», — дедилар.

Саволингизга келсак, бунга икки томонлама қараш мумкин. Албатта, устознинг ҳам ўз талаблари бўлади. Шогирднинг устоз мевасиси даракта ўхшайди. Қадимда хунар мактабларда ўргатиладилар.

шогирд одоби ҳам шундай бир қадрият, назаримда.

Бу ёруғ оламда ҳар бир одам аввало ўзининг меҳрибон ота-онасига, унга маърифат ва билим дунёсини очиб берган, унинг қалбига юксак инсоний фазилатлар, фуқаролик ҳисси ва масъулиятини сингдириш йўлида заҳмат чеккан устоз ва муаллимларига нисбатан ҳамиша миннатдорлик туйғуси билан яшайди.

Ислом КАРИМОВ.



нинг тили билан айтганда, «яхши» «ёмон» мураббийлар бор. Сизнингча, бунга асосий сабаб нима? Дарсда интизом бўлмаслиги, давомату ўзлаштиришнинг пастлигини билса ҳам бепарволикка ўрганиб қолган устозлар ҳам кўп ёки ҳамма айб ёшларнинг ўзидамикан? Ҳурматли устоз бўлиш шунча қийинми?

— Ҳа, устоз деган улуг номни олиш жуда қийин. Қадимда устоз бўлишнинг ҳам ўзига хос талаблари бўлган. Бу шарафли номга сазовор бўлиш ҳаммага ҳам насиб этмаган. Бунинг учун кўп йиллар давомида мураккаб синфлардан ўтганлар. Бир киши ўзини устоз деб атагани учун Бўжор амира каттик газабланмабди. Уша даврларда кўпгина хунармандлар орасида бу шарафга қамдан-қам одамгина муассар бўлган экан. Ҳазратларимиз амир бу одамни зиндонга ташлашни, хунарни кўрсатиб, ўзини оқламағучи овоз қилмасликни буюрибди. Унинг ҳеч қандай иш қуроли йўқ экан. Ҳамиша ёнида олиб юриладиган пичоги билан бир кечада зиндон деворига шу қадар нақш чизибдики, бундай нақшни фақат эртақ ёки тунда кўриш мумкин эди. Уста деган номини ана шундай оқлади.

Миллий хунармандчилик ривожланиб бораётган ҳозирги пайтда устозлар шогирдларига миллий аъёнларимиз асосида ўз хунарини ўргатишмоқда. Лекин бир уста бировга озгина яхшилик қилса дарҳол устоз-устоз деб қолади-канлар ҳам учраб туради. Аслида-чи? У «устоз» деган номга лойиқми? Устознинг вазифалари нималардан иборат? Бу каби саволларга ёшлар жавоб топишга қийналиб қоладилар. Уларга бу ҳақда тушунча бериб туришимиз керак.

Қадимда ҳар бир хунар мукаддас ҳисобланган бўлиб, у эъзозлаб келинган. Ота-боболаримиз устоз ва шогирдлар учун ўзига хос одоб-ахлоқ қоидаларини ишлаб чиққан бўлиб, уларга қатъий риоя қилинган. Устознинг ҳам, шогирднинг ҳам олдига қўйган вазифалари ва бурчлари бўлган. Усталар кўпинча шогирдликка ўз фарзандини ёки қариндошларини олганлар. Шогирдликка 7-8 ёшдан олинган. Ўйлаш ўрганиш мuddати 7-12 йил бўлган. Устоз шогирдлари билан кундуку куни шуғулланган, кечқурун эса савод чиқарилган. Шогирднинг қўлидан мустақил иш келгандан кейин, унинг ишларини муҳокама қилишгандан сўнггина «уста» номини беришган.

Устанинг ўғли ота касбини ёшлиқдан ўрганиб борган. Бу эса унинг келажақда яхши хунарманд бўлишга замин яратган. Болани устанинг олдига олиб бориш ўзига яраша тантана бўлган. Келтирилган пиширилган ўша пайтдаёқ биргаликда тановул этилган. Уста болага хунар ўргатишдан ташқари бу даврда уни озиқ-овқат билан ҳам таъминлаб турган. Аммо касб ўргатиш бепул бўлган. Устоз шогирдига нисбатан қаттиққўл ва талабчан бўлган. Чунки ҳар бир хунарни ўта нозик дид ва сабр-тоқат билангина ўрганиш мумкин бўлган. Усталар шогирдлар учун махсус одоб талабларини ишлаб чиққан. Масалан, улар шогирддан покизликни, иш вақтида чалғимасликни, эгри ва номаъқул ишларга яқин йўламасликни, руҳсиз бирор юмушга қўл урмасликни қатъий талаб қилганлар.

Уста шогирдига фақат хунар сирларини беришгина қолмай, уни ўй юмушларини бажаришга ҳам ўргатиб борган. Шогирд хунарни пухта эгаллагандан сўнггина унга оқ фотиҳа берилган. Баъзида шогирд мустақил иш бошлашда қийналмаслиги учун унга асбоб ва анжомлар берар эди. Агар оқ фотиҳа олган шогирд мустақил меҳнат қилишни хоҳласа устозиникида ишлаш-верган. Бир сўз билан айтганда, шогирдлар илгари бугунгидек эркин бўлишмаган.

— Талабаларга қандай масъулият бериш керак?

— Талабаларга қандай масъулият бериш керак, устознинг вазифаси билан алоқадор. Устознинг вазифаси билан алоқадор бўлиш керак, устознинг вазифаси билан алоқадор бўлиш керак, устознинг вазифаси билан алоқадор бўлиш керак.

— Талабаларга қандай масъулият бериш керак?

— Талабаларга қандай масъулият бериш керак, устознинг вазифаси билан алоқадор. Устознинг вазифаси билан алоқадор бўлиш керак, устознинг вазифаси билан алоқадор бўлиш керак.

— Талабаларга қандай масъулият бериш керак?

— Талабаларга қандай масъулият бериш керак, устознинг вазифаси билан алоқадор. Устознинг вазифаси билан алоқадор бўлиш керак, устознинг вазифаси билан алоқадор бўлиш керак.

— Талабаларга қандай масъулият бериш керак?

— Талабаларга қандай масъулият бериш керак, устознинг вазифаси билан алоқадор. Устознинг вазифаси билан алоқадор бўлиш керак, устознинг вазифаси билан алоқадор бўлиш керак.

— Талабаларга қандай масъулият бериш керак?

— Талабаларга қандай масъулият бериш керак, устознинг вазифаси билан алоқадор. Устознинг вазифаси билан алоқадор бўлиш керак, устознинг вазифаси билан алоқадор бўлиш керак.

— Талабаларга қандай масъулият бериш керак?

— Талабаларга қандай масъулият бериш керак, устознинг вазифаси билан алоқадор. Устознинг вазифаси билан алоқадор бўлиш керак, устознинг вазифаси билан алоқадор бўлиш керак.

— Талабаларга қандай масъулият бериш керак?

— Талабаларга қандай масъулият бериш керак, устознинг вазифаси билан алоқадор. Устознинг вазифаси билан алоқадор бўлиш керак, устознинг вазифаси билан алоқадор бўлиш керак.

Халқимизнинг азалий «Устоз ва шогирд» аъёнасини ҳар томонлама тарғиб-ташвиқ этиш, ривожлантириш ва замонавий талаблар даражасига кўтариш, ушбу мақсадларда «Устоз — отангдек улуг!» шioriни баланд кўтариш Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партиясининг долзарб вазифаларидан биридир. Бу борада партиямиз томонидан амалга оширилаётган ишлар ҳеч қимни бефарқ қолдираётгани йўқ. Устоз деган номга эга бўлган бебаҳо инсонларнинг ибратли ҳаёт йўли, жўшқин фаолияти ёшларда катта таассурот уйғотибгина қолмасдан улар танлаган касбга, бажаряётган ишларга қизиқишларини ҳам кучайтирмоқда.

Таъкидлаш жоизки, устоз-шогирдлик аъёнлари неча-неча асрлар давомида шаклланиб, такомиллашган. Бой маънавий қадриятларимизнинг жавоҳирига айланди. Устозлар макта-

бини ўтаган, сабоғини олган йигит-қизларнинг йиллар ўтиб улардек фидойи инсонларга айланаётганликлари бу аъёнанинг боқийлигини далолат бериб турибди.

Мустақиллик шарофати ила устоз-шогирдлик аъёнлари янги босқичга кўтарилганлигини алоҳида эътироф этмоқ керак. Унинг шарофати меҳрини ёшларга бағишлаб, уларга устозлик қилаётган турли соҳа вакилларининг нурли чеҳраларида, бахтиёр ўғил-қизларнинг мамнун қиёфаларида акс этиб турибди.

«Миллий тикланиш» демократик партияси ёшларнинг ҳаётда муносиб ўрин эгаллаши, касб танлаши ва юксак ахлоқ-одоб соҳиб бўлиб улғайишлари учун «Устоз — отангдек улуг!» шioriни илгари суриш керак деб ҳисоблайди. Бу борадаги саъй-ҳаракатларини ўзининг энг устувор вазифаларидан деб билади.

# Устоз



Хитойда шундай мақол бор: «Мабодо бир йил олдинга назар ташламоқчи бўлсангиз, шони экинги. Борди-ю, 10 йил олдинги кўзда турсангиз, ниҳол ўтказинг. Агар бир умрни мўлжал қилмоқчи бўлсангиз, инсонга билим беринг». Билим бериш аслида икки баробар ўқиш деганидир. Мукаддас ҳадиси шарифда ҳам бешикдан қабргача илм изланг, дейилади. Илм йўлидан кетаётган инсонларни кўрганимда шу гаплар ёдимга тушади.

## МЕҲР УЛАШАЁТГАН ИНСОН

Ёшлар ўзларига таълим-тарбия берган инсонларни устоз, дея эъзозлайдилар. Муаллим илму маърифати билан шогирдлари қалбига эзгулик уруғини қадайдди. Не-не алло-малар, олиму фозиллар камтар, меҳридарё устозларнинг сабоғини олиб улғайишган, қамолга етишган.

«Устоз-шогирд» аъёнаси давомчилари бўлган фидойи ўқитувчилар ҳаётимизда кўпلاб топилди. Аслида устоз деган номга эришмоқнинг ўзи ҳам бир шарафдир. Тажрибали педагоглардан бири Зафаробод туманидаги 1-умумтаълим ўрта мактабининг биология фани ўқитувчиси Мукаррама Турдиевадир. У 25 йиллик иш фаолияти давомида юзлаб ўқувчиларга дарс берди, яхши шогирдлар ортттирди. Ўқувчиларини ўз фарзандидек яхши кўргани учун улар ҳам муаллимани меҳр билан ардоқлашади.

Агар ўқитувчи дарс жараёнида ҳаётини мисоллардан фойдаланса, болаларнинг дилига йўл топа олса,

машғулотларни мазмунли ўтказишга ҳаракат қилса, ўз-ўзидан сеvimлайдилар. Мукаррама Турдиева ўз касбининг мана шу нозик сирларини яхши тушунганлардан ҳисобланади.

«Кирк ёшли онанинг меҳр-муҳаббати кирк ботмон тошни синдириб ўтади. Бу ёшдан сўнг аёлнинг ҳаётига, шуурга энгилмаслик, алданмаслик ва сўнамаслик бостириб қиради», — деган ҳикматнома гап бор. Муаллима опага қараб шу гап ёдимга тушади негадир. У ҳамкасблари орасида касбига садоқати, ташаббускорлиги ва талабчанлиги билан ажралиб туради.

Партия ишини намунали йўлга қўйиш ўз-ўзидан бўлмайди, албатта. Бу жараёнда фидойи етакчиларнинг хизмати катта. Муаллима зафарободлик «Миллий тикланиш» фаоллари орасида ҳам фидойилиги билан ҳурмат толган. Партиядошлар иштирокидаги тадбирларга доимо бош-қош бўлади, тақлиф ва муло-

Холма ТўРАКУЛОВА, УэМТДП Зафаробод туман кенгаши раиси.



масдан, устага шогирдликка берилган. Болаларнинг ўзларини устоз танлашган. Бу борада устанинг шахсий ва касбий фазилатларига алоҳида эътибор берилган. Масалан, яхши, моҳир кулол ёки хунарманд бўлса ҳам ахлоқий ёмон, ичкиликка ружу қўйган бўлса, ҳавас қиладиган устоз саналмаган. Баъзи ҳолларда устозлар ҳам шогирд танлашган. Шогирдлари орасидан энг иқтидорлилари билан алоҳида ишлашга вақт ажратилган. Дастлаб шогирдликка олинган бола умумий юмушлар билан машғул бўлган. Кейин эса секин-секин мураккаб ишларни қилишга ўргатиладилар. Хунар ўргатишда шогирднинг сабрлигини синаяш учун шундай қилинган. Одам саҳрода сувга қанча ташна бўлса, хунарга ҳам шундай ташна бўлиши керак, деган тушунча кучли бўлган. Илм ўрганишни игна билан қудуқ қазиганда қийин бўлади.

— Талабаларга дарс бериш жараёнида кўпроқ устозларнинг ўқитариш ҳам қўл келадими ёки узоқ йиллик тажрибанингизга амал қилиб иш тутасизми? Келинг, шу ўринда фаолиятингизнинг илк кунларини эсласак.

— 1976 йилда институтни тамомлаб, шу ерда қолдим. Доцент Қобил Қосимов, академик Малик Набиев ва бошқа устозларим ёрдамида қизиқарли дарс ўқиш услублари устиди ишлаш бошладим. Баъдий графика факультетида дарс бериш жараёнида талабаларда ўрганишларини ёшларга беришга интилдим. Уша пайтларда ганчкорлик услубида кўчага тоқча ясаганман, ҳозир у университет музейида сақланади. Энг яхши хунар — бу илм, деб шу йўлни танладим. «Синфдан ташқари тўрақларда ўқувчиларнинг тасвирий қўлини ва малакаларини шакллантиришнинг педагогик ва психологик асослари» мавзусидаги номзодлик, «Ўқувчиларни эстетик руҳда тарбиялашда Ўзбекистон халқ амалий беъза санъати» мавзусида докторлик иштини ёқладим, шогирдлар ортттирдим. Буларнинг ҳаммаси ҳам устозлардан олган сабоғим махсули, деб ҳисоблайман. Бугун ҳам талабаларга дарс беришда аввало табаррук устозларнинг ўғиту масъулиятларига амал қиламан, қолверса ҳаётда, иш фаолиятимда ортттирган тажрибаларимга суянаман.

— Талабалар билан суҳбатлашсангиз, ўқитувчиларни икки тоифага бўлишди. Улар

## ХОРИЖЛИКЛАР ЭЪТИБОРИНИ ТОРТГАН ОЛИМ

Бобохон ака Содиқов менинг ҳам устозим. У кишини бугун юзлаб педагоглар устод дея ҳурмат билан тилга олишади. Ўтган кирк йил ичида Бобохон ака муносиб шогирдлар тарбиялаб, вояга етказди. Мен ҳам бундан ўттиз йил бурун у кишининг қўлида таълим олганман. Бугун чексиз ҳурмат ва эҳтиром билан устозини эслайман.

Вилоятда кимё фани бўйича ўтказилган барча олимпиадаларда мураббийнинг масъулиятларига таянишади. Бундай тадбирларни ташкил қилувчилар ҳам устоз шогирдларидир.

Устознинг доғишмандлик фазилатлари бор. У дарс пайтида буюк олимлар ва уларнинг дунёвий ишлари ҳақида муттасил ҳикоя қилади ва уларга муносиб бўлишга даъват этади. Хоразм Маъмун академиясининг 1000 йиллигига бағишлаб ўтказилган илмий-амалий конференциядаги «Ўрта асрлар Шарқ Ренессанси ва унинг таназзули ҳақида»ги ҳамда «Ибн Сино — ўрта асрнинг буюк файласуфи» мавзусидаги чиқишлари таҳсинга сазовордир. У машғулотлар вақтида алло-маларнинг беназир ишлари ҳақида гапириб, дарсларнинг янада жонли ўтишига эришади.

Урганч давлат универ-

Равшаной БЕКЖОНОВА.

Гулбахор ОРТИҚҲУЖАЕВА суҳбатлашди.

# МАКТАБ КЎРГАНМИСИЗ?

Миллий қўшиқчилигимизда устоз ва шогирдлик аъналарига доир айрим мулоҳазалар

**“Оҳанрабо” кўрсатуви томоша қилиб ўтирган эдим. Кўрсатув муаллифи Матлуба Сафарова Ўзбекистон халқ ҳофиси Маҳмуджон Тожибоевга: “Устоз сифатида шогирдларингизга тилақларингизни билдирсангиз”, — деб мурожаат қилди. Мен бу пайтда тахририят илтимосига биноан ёзадиган ушбу мақолани қандай бошласам экан, дея ҳаёл суриб ўтирган эдим. Маҳмуджон ўзига хос камтарлик билан: “Устозлик яхши албатта, аммо мен ўзимни ҳамон шогирд деб ҳисоблайман, мана бу ерда ўтирган улўғ устозларимиздан ҳозиргача қўшиқчилик сирларини, мақом йўлларини ўрганиб келаман”, — деди ва менга яхшигина туртки берди.**

Бир гал марҳум санъаткор, Ўзбекистон халқ артисти Фаттоҳон ака Мамадалиев билан суҳбатлашиб ўтирганымда, у киши қизик бир воқеани айтиб берган эди: “Маҳмуджон йўлдошевнинг қўшиқларини эшитганимиз? Шу бола, яна Маҳмуджон Тожибоев дегани ҳам бор, иккаласи, барака топишин, анча узокқа боришди. Утган ҳафта Анжана боришим керак, эрталаб йўлга чиқаётсам, радиода Маҳмуд йўлдошевнинг қўшиқларини бериб қолишди. Роса мерибди эшитдим, эшитиб ўтиравериб самолётдан қолиб қетибман. Аммо бир-икки жойини ёмонан зўр олди-да, қурмагур. Шу иккаласига эйтибор бериш керак. Буладиган болалар. Меҳнатдан қочишмайди. Ҳозир ким қўп, ғазалининг сўзини тўшмайди, қўқибди, қўлқони қоматга келтираётганлар қўп...”

санъаткорга устоз бўлиш масъулиятига қўнганди. Миллий мумтоз қўшиқчилигимиз ривожига жуда катта ҳисса қўшган, эл-юртда обрў-этибор қозongan, қанчадан-қанча ёш истеъодларнинг бошини силлаган Фаттоҳон ақанинг дил кечинмалари хотирамда қолди: “Қўллар бизни устоз, уста дейишди, турли издиҳомларда ҳурматимизни бажо келтиришди. Аммо устоз бўлишининг ўзи бўлмайди, жуда оғир иш. Алишер Навоий, Бобур, Машраб, Оғайиб каби улўғларнинг сўзларини тўшуниб ўқиш, кўйга солиш, маъносини бузмадан айтиш учун, аввало, савод ҳам керак. Бировга: “Бола, ашулани бузиб айтгансан, мана бу жойини мана бундоқ айтгин”, — десангиз, Худо кўрсатмасин, у бетингизга қараб туриб: “Уста, ўзингиз ҳам фалон ашуланинг фалон жойини мана бундоқ деб айтасиз-ку”, — деб қолса-я. Қўшиқчилигимизда чал-

кашлиқлар жуда қўп. Афсуски, биров гапинга қўлоқ солади, бошқа биров “ха” дейди-ю билганидан қолмайди...”

Уша суҳбатда, қандайдир журъат билан Фаттоҳон акага, ўнғайсизроқ бўлса ҳам шу саволни берганман:

— Баъзи танлиқли, ёши бир жойга бориб қолган ҳофизларимиз ижросида ҳам маълум сакатликлар учрайди. Борди-ю, ақли етган бир тинловчи ёки ҳаваскор қўшиқчи сизда ҳам шундай камчиликларни сезиб, юзингизга айтса, қандай қабул қиласиз?

Суҳбатдошимнинг чехраси ёришиб кетди.

— Ҳўрсанд бўлиб, ота-онаси раҳмат айтиб, бағримга босиб қабул қиламан. Мақом бу — тубсиэ уммон, кирогчи кўринмайдиган денгиз. Хеч ким охирига етдим, ҳаммасини билдим, қойли қўлдим, деб айта олмайдим. Ёшинг юздан ошса ҳам ха-

толаринг кўринади. Менинг ўзим ҳозиргача китоб варақлайман, жуда қўп нобъ сўзларнинг маъносини қўлдираман, топа олма-сам, кўнгалардан сўрайман. Шогирдларимнинг овозига қўлоқ тутаман, бир янгликни кўрсам, хўрсанд бўлиб кетаман. Хеч ким йўғида айтиб олай — уллардан ўрганган жойларим ҳам йўқ эмас. Қолаверса, бунинг нимаси ёмон? Урганаман деган одам боласи тенги шогирдидан ҳам ўрганаверади.

— Европани билмадим, аммо бизда, Шарқда азал-азалдан таомил шундай, — дейман у кишининг фикрларини тасдиқлаб. — “Бешикдан қабргача илм изла”, деб бежиз айтилмаган, ахир.

— Э, отангизга раҳмат, — деди Фаттоҳон ака, — гапинг индаллосини айтдингиз. Таомил шундақ. “Сўраб-сўраб ўрганган олим, орланиб сўрамаган — ўзига эолим”. Мана, гап қаерда. Бизда ҳозир энг катта муаммолардан бири — қўп қўшиқчиларимизнинг муносиқ саводи йўқ. Ўзларича тарақа-туруқ қилиб ётишибди. Устоз кўришмаган, бугун бу томонга, эртга қарасангиз бошқа томонга қараб йўрғалашди. Яқинда тўйларга боровериб, овози хириллаб қолган бир хонандага: “Овозингиз чарчатиб қўйибсан-ку, болам”, — десам, “Отажон, ҳозир ёшларга шунақа баянд

пардалиги ёқади”, — дейди-я. Баянд парда нималигини билмайди ўзи...

Фаттоҳон ака билан бўлган ушбу суҳбатимизни эслар эканман, у кишининг ташвишлари бугун ҳам саҳна санъатимизда жиддий муаммо бўлиб турганлигини тан олмай иложим йўқ. Бу гапни Фаттоҳон ака ҳам, ота-хон ҳофиз Маъруфхўжа Баҳодиров ҳам қўп бор тақорлашган — авваллари шогирдлар устозларидан фотиҳа олишмагунча, қўпчиликнинг олдида оғиз очишмаган. Устозларни тинглаб, ашулани ичларида тақорлаб туришган. Кейин-кейин жўровоз бўлиб қўйлашган. Овозлари очилиб, тобиға келиб, ихро маҳорати қиёмига етганидан кейингина саҳнага чиқишган. Бугунчи, иложи бўлса, бугун бошласа-ю, эрта оқшом “Халқлар дўстлиги” саройида яққон концертни ташкил этилса. Қўшиқчи ўзи ёсса, ўзи унга қўй басталаса, ўзи ихро этса.

“Тараннум” кўрсатувини олиб бораётган истеъодди хонанда Шўҳрат Қайомов бирор жўяли мулоҳаза эшитиш илминда кўрсатувда қатнашаётган ёш ижрочилардан: “Айтинг-чи, сиз қўшиқ танлашда нималарга эйтибор бера-сиз, умуман, қўшиқни қандай танлайсиз, бу жараён сизда қандай кечади? Шу тўғрида гапир-миз берсангиз”, — деб сўраган эди, хонанда қўсқачига жавоб берди-қўйди: “Устозимиз мана



шу қўшиқни айтсан, деса бўлди, айта-верамиз...”

Яқинда яна бир кўрсатуви томоша қилдим. Энди-энди мухлисларга танилиб келаятган ёш истеъодли ижрочи укамиз бошловчининг: “Хали анча ёш бўлишингизга қарамай, қўлаб шогирдларингиз бор. Айтинг-чи, қўшиқ айтиш сирларини кимлардан ўргангансиз, кимларни устоз деб биласиз, шогирдларингизга қандай истақларингиз бор?”, — деган саволига шунақа жавоб бердики, бу жавоб олдида Фаттоҳон Мамадалиев билан Маҳмуджон Тожибоевнинг камтарлиги бир пул бўлиб қолди. Гўёки унда алоҳий бир истеъод бор, ҳаммасини ўзи ўрганган, биров ўргатмаган. Бу димодор жавобга эйтиборингизни қаратаётганимиз боиси бор, албатта. Асли айб ўзимиздан ўтади. Ёш ижрочиларни гоҳо меъбридан ошириб, шишириб-бўрттириб мактаймиз, олқушларга кўмамиз, юлдузлик касалига дўноқ қиламиз. Камчиликларини вақтида тўғриламаймиз. Халқ қалбига муқом нақб болганда гўзал қўшиқларни белгисизлик билан бузиб, ўзига “такомиллаштириб”, чала-чулпа ижро этиб ётган бўлса ҳам, бир нарса демай-миз. Бирор киши бирорта истеъодсиз, чаласавод хонандани тўйда ёки кичикроқ саҳнада бўлсин, шартта тўхтатиб: “Ука, бу қўшиқ бундай қўйланмайди, сизга руҳсат”, — деганимиз Деган эмас. Шу бебарворлигимиз бўлса, хали-вери демаймиз ҳам. Бу “фазилатимиз”-

дан яхши хабардор бўлган “жўкий” ижрочилар эса саҳнани чангитиб ётишибди.

Мақолага шу ерда нўқта қўйишим керак эди. Аммо бир гапни айтмасам, инсофдан бўлмас. “Оҳанрабо”, “Тараннум”, “Жонли ижро” кўрсатувларида кейинги пайтларда консерваториямизда таҳсил олаётган қўлаб ёшлар қатнашиб, ўзларининг нобъ овозлари, юқсақ ихро маҳоратлари билан мухлисларнинг хушнуд этишмоқда. Ҳаммалари гапни устозларидан бошлашди, номларини ҳурмат билан тилга олишди. Бу фазилат консерваторияда улўғ даргоҳда устоз ва шогирдлик аъналарини талаб дараҳасида йўлга қўйилганини кўрсатиб турибди. Қўнғилни хотиржам қиладиган бу тажриба, қани энди, бошқа жойларга ҳам ёйилса. Зеро, Шарқни Шарқ қилган, улўғ алломаларимиз шўҳратини оламага ёйган ҳам шогирдларнинг устозга бўлган ҳурмат-эҳтиромини ва халқимизнинг шу муқаддас фазилатига садоқатимиз.

Аҳмаджон МЕЛИБОЕВ.



## Донолар бисотидан

- ✦ Устоз кўрмаган шогирд ҳар мақомга йўрғалар.
- ✦ Устани шогирд синдирад, Пистани — пўчок.
- ✦ Учшига қанот керак, Ўқишга — тоқат.
- ✦ Устозсиз шогирд — жонсиз кесак.
- ✦ Шогирдига тош берган тош олар, Бош берган бош олар.

- ✦ Шогирдинг оқил бўлса, бошингда тож, Шогирдинг эрка бўлса, бошга таёқ.
- ✦ Шогирд устадан ўтмаса, иш йитар.
- ✦ Шогирднинг бефаросати Устозни муттаҳам қилар.
- ✦ Ўрганиш — бир хунар, Ўргатиш — икки хунар.
- ✦ Ҳар ишнинг бир устаси бор, Ҳар устанинг бир устози бор.
- ✦ Устоз кўрган хат танир.
- ✦ Аҳмоқларга бош бўлгунча, Доноларга ёш бўл.

- ✦ Оз-оз ўрганиб уста бўлур.
- ✦ Дарахтдан мева оламан десанг, ниҳоллигидан парвариш қил.
- ✦ Уста қандай — шогирд шундай.
- ✦ Устоз билимли — шогирд илмли.
- ✦ Уста бўлсанг, устозингни унутма.
- ✦ Уста борида қўлингни тий, Устод борида — тилингни.
- ✦ Устозингга тик қарасанг, тўзасан, Ҳурмат қилсанг, аста-аста ўзасан.
- ✦ Устаси салмоқчи, Шогирди — сайроқчи.
- ✦ Устоз меҳри — ота меҳри.



Аҳмаджон МЕЛИБОЕВ.

# Ота-ингидек

Бир неча йиллар аввалги ажойиб учрашувни ҳанузгача эслайман. Ўшанда мен Тошкент авиация заводида қирқ йилдан қўп вақт меҳнат қилган инсон, тажрибали ишчи Эркин Алимўхамедовнинг хонадонига бўлгандим. Оилавий даврада суҳбатимиз жуда самимий кечди. Эркин Алимўхамедов илк устози ҳақида гапираркан, айрим мулоҳазаларини ўртага ташлади:

## Жасоратни уйғотувчи куч

— Кўпчилик ўзига иш ўргатган одамни устоз деб билади. Лекин менинг назаримда шогирд учун бу унчалик муҳим эмас. Аксинча, ишни бошлаётган кишига катта ишонч билдирилса, шогирдига ишонган, уни қўлаб-қувватлаган кишигина ҳақиқий устоздир. Мен бир пайтлар акамнинг маслаҳатига кўра завод ишини ташлаб, бошқа жойга ўтиш истагида юрган кўнларимда ҳеч бошлиғи Василий Соловьёв ёнимга келиб: “Эркин, сенинг иқтидоринг зўр, шижоатинг баланд, бир оз сабр қил, ҳадемай ишингнинг устасига айланасан!”, — деди. Шу бир оғиз мақтов хуш ёқиб, ишда қолдим. Яхшиям кетаман эканман, завод иши мени эл-юртга танитди, шу ерда катта иззат-ҳурматга эрга бўлдим. Булар учун устозимдан доимо миннатдорман.



барчаси тарихчи бўлишга аҳд қилгандилар! Орадан кўп йиллар ўтди. Ҳамон устозларимиз ҳақида гап кетса, қалбларимизнинг ичарисидида ўша тарих муаллимининг ўрни алоҳида экани сезилиб туради. Гарчи кейинчалик турли касбларни эгаллаган бўлсак-да, тарихга муҳаббатимиз ҳамон баланд. Ҳаётимизнинг ўзига хос томони шунда эдики, бизнинг юрагимизда энг ёруғ туйғуни — ўз кучимизга ишонч ҳиссини уйғота олданди!

Инсоннинг ўз мақсади йўлидан чекинмай, тобора илгариллаб боришида устозларнинг ўрни бекиёс дегим келади. Киши устози кўмағида ҳатто энг баланд доvonлардан ҳам осонгина ошиб ўтмоғи мумкин. Бундай ҳодиса-ларни кўндалик ҳаётда қўп учрайди.

— Успиринлик чоғларим эди, бахтсиз тасодиф тўғайли умидсиз бир алфозда жарроҳлик стилида ётарканман, “афсус, энди ҳеч қачон спортчи бўлолмайман”, — деб ўйлагандим, — дея хотирлайди ўзбек миллатининг оғир атлетика бўйича жаҳон рекордини ўрнатган биринчи ўлоғни, “XX аср спортчиси” мукофотининг лауреати, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган устоз, миллий тоифадаги ҳакам Эркин Каримов. — Мактабимизнинг жисмоний тарбия ўқитувчиси эса кўнглимни кўтариб: “Сен шу араланган қўларинг билан ўз тақдирингни ярат оласан, зўр спорт-

# Ушуг

Устоз ҳақида аслида буюқ бобокалонимиз Мир Алишер Навоийдан ошириб бирор нарса дейиш мушкул бўлса-да, ҳаётимда алоҳида из қолдирган инсонлар ҳаққи-ҳурмати баъзи фикр-мулоҳазаларини билдиришга жазм этдим.

Аксарият ҳолларда устоз дейилганда дарҳол кўз олдимизга мактабдаги ўқитувчилар келарди. Қўлимизга қалам тутқазиб ёзишни, ўқишни ўргатган, мурғак қалбимизга, онг-шууримизга билим нурларини улашган бу зотларнинг меҳнати ҳар қанча эъзозга лойиқ. Шунинг учун умримизнинг қайси палласида бўлса ҳам ҳар бир одам мактабда ўқитган устозларини, айниқса, биринчи муаллимни эслайди ва бир умр ёдида сақлайди.

## Аънаана давом этади

Ҳақ йўлида ким сенга бир ҳарф ўқитмиш ранж ила, Айламак бўлмас адо онинг ҳақин минг ганж ила.

Масалан, баъзи синфдошларимнинг исмларини эслолмаслигим, универсиетда ўқиган давримдаги устозларимнинг ҳаммасини эслаб қолмаган бўлишим мумкин. Лекин мактабда ўн йил ўқитган барча устозларим ҳамон ёдимда. Айниқса, биринчи синфдаги илк устозим Мирзасин ақани, унинг содда, оддий қиёфасини, болаларникидек меҳрибон чехрасини яхши эслайман. Шу маънода ўқитувчиларга ҳавас қиламан: уларни ёдда сақлаб қолган, ширин бир энтиқиб билан эслайдиганлар шунчалик кўпки...

Албатта, устозлик доирасини фақат мактаб ўқитувчилари билан чеклаб қўйиш нотўғри бўларди. Зеро, инсон улғайгандан сўнг, уни касбга йўналтирадиган, умрининг мазмунини белгилашга катта ҳисса қўшадиган инсонлар ҳам бор. Ҳар бир инсон ҳаётида бундай одамлар бир эмас, бир неча бўлиши мумкин. Очиги, ҳар биримизнинг жамиятда ўз ўрни-мизни топишимиз, эл-юрт орасида ўзгилемизга эришимиз кўп жиҳатдан уларга боғлиқ! Ҳеч ким ҳеч қачон ўз-ўзидан бир ишинг бошини тутиб, муваффақиятга эришолмайди. Албат-

та, кимнингдир маслаҳатига, тавсиясига, ўғитига, бир сўз билан айтганда, кўмағига эҳтиёж сезади. Шу тариха устоз-шогирдлик аънанеси юзга келади, у неча юз йиллардан буён авлоддан-авлодга ўтиб, давом этиб келмоқда. Айниқса, маданият ва санъат соҳаларида бу аънаанинг ёрқин намуналарини қўлаб учратиш мумкин. Устозлар шогирдлари ҳаётида шу қадар муҳим ўрин тутганлар. Шу боис шогирдлари уларни отадек эъзозлаганлар. “Устоз — отангдек улўғ” деган мақол бежиз пайдо бўлмаган. Демак, ҳар бир устознинг маънавий оиланинг устуни — ота дараҳасида қўрилган. Машҳур кишилар номини аксарият устозлари номини билан бир қаторда тилга олганлар. Устоз кўрмай туриб бирор касбнинг мукамал эгаси бўлишга даъвогарлик қилганлар ҳақида эса, назаримда, “Устоз кўрмаган шогирд ҳар мақомга йўрғалар” деган мақол пайдо бўлган бўлса, ажаб эмас.

Шарқда, хусусан, юрти-мизда азалдан устоз-шогирдлик аънааналари давом этиб келади. Адабиётимиз, санъатимиз тарихида бунга доир қўлаб ёрқин мисолларни келтириш мумкин. Лекин афсуски, кейинги

вақтларда устоз бўлишга, ҳатто мактаб яратишга қодир бўлган санъаткорларимиз ҳам неғадир жим туришибди. Ўзлариде ташаббус йўқми ёки ёшларда бунга рағбат етишмайдими, ҳар ҳолда, номлари четларда ҳам маълум бўлган кўп санъаткорларимизнинг том маънодаги шогирдлари йўқ.

Биз янги ишга келган вақтларимизда газеталарда ишлаётган ҳар бир одамнинг фикрига қўлоқ тутарди, ўзимиз қизиққан бўлим ишлари билан танишишга, яхшироқ ўрганишга интилардик. Устозлар ҳам биздан маслаҳатларини аяшмасди. Ҳозир ҳам шундай: бирор нарсада қийналиб қолсам, дарҳол бош муҳарриримиз Аҳмаджон Мелибоев, устозимиз Маҳмуд Саъдий, Мурод Абдуллаев, Аҳмад Отбаевларнинг хузурига югураман. Ҳатто ўзимиздан анча ёш, яқинда иш бошлаган ҳамкасб-

ларимиз билан маслаҳатлашаман. Мен учун газеталарга тайёрланаётган материалнинг катта-кичиги йўқ! Ийрик мақолалардан тортиб оддий бир хабаргача фамилиямни фахр билан ёзиб қўяман. Мен учун ёзган ҳар бир сатрим азиз. Устозларимиз шундай ўргатишган. Лекин баъзи ёшларимиздаги касбга фидойилик, масъулият ҳиссининг етишмаслиги каби ҳолатларни қузатиб, ранжийман. Баъзи катталарда ёшлардан нолиш психологияси ҳам мавжуд.

Бугунги ёшлар эртга катталар сафига ўтишларини ўйлаб, фикр-мулоҳазаларга қўлоқ тутсалар, ёмон бўлмасди. Агар тажрибали журналистлар билганларини ёшларга ўргатишдан эринмасалар, ёшлар ҳам, ўз навбатида, ўрганишни ор деб билмасалар, бундан жамият ҳам, одамлар ҳам фақат фойда кўрарди.

Аслида устозлар шогирдлар ҳақида том-том китоблар битиш мумкин. Лекин устоз-шогирдлик ҳақида ёзилганлардан хулоса қиларкан, аънааналаримизнинг бардавонлиги йўлидаги байъ-харакатларимизни янада мустаҳкам ишонч билан давом эттирсак, айни мўддао бўлади.

Гулчехра УМАРОВА, журналист.

Нўмонжон Мухаммаджонов ва Азамат Аҳмедов олган суратлар.

### ИБРАТЛИ РИВОЯТ

Бир донишманддан сўрадилар:

- Инсонга ҳамиша камлик қиладиган хислатлар нима?
- У шундай жавоб қайтарибди:
- Бундай хислатлар учта: билим, одоб ва фаҳм-фаросат. Билимга киши ўз меҳнати орқали етишади. Одоба
- билим, ота-она ва устозлар орқали эришилади. Фаҳм-фаросат эса фақатгина Яратган томонидан ато этилади.
- Яна сўрадилар:
- Қандай сабоқ шогирд онгидан мустаҳкам жой олади?
- Донишманд:
- Ишончли далил, ҳаётий мисол ва шахсий ибрат орқа-
- ли бериладиган сабоқ, — дея жавоб берибди.
- Шогирд учун энг оғир, аммо шарафли нарса нима?
- дея сўрабдилар ундан яна.
- Донишманд эса:
- Муносиблар ичра муносиб бўлиш шогирд учун шарафли, бироқ оғир бўлган нарсасидир, — дея жавоб қайтарибди.

Гулчехра ЖАМИЛОВА.

# «...ЎША РАЙҲОН СИЗМАСМИ?»



Ёқиб қолдинг, хонқизи, жажжигина қизимга,  
Ушлаб олай деганда учиб, кўндинг узумга.  
Бир сакраб тутиб олди, кўйдиги мунча кўп?  
Хуш ёқди ўзинга ҳам, тўйдинг меҳр тафтига.

Холларинга хайрат-ла боқди, севиб силади,  
Озор бермайди, зулм — гуноҳлигин билади.  
— Вой-буй, холинг мунча кўп? Биттасини менга бер,  
Юзимга қўйиб олай. «...», бўларми шу ер?..

Қандай эрка, қандай тансиқ манзара! Шундай эмасми? Ушбу беғубор мисраларни биз кекса шоир Султон ака Эргашевнинг «Нур ичинда дур» номли шеърини рисоласидан (Навоий номидagi Миллий кутубхона нашриёти. Тошкент. 2006 йил) келтирдик. Султон Эргаш ижодкор сифатида ҳали-ҳозир кўпчиликлка унчалик таниш эмасдир. Бироқ шеър ҳаваси, илҳом изтироблари унинг қалби-га болалигидан таниш, ошно эканлиги сезилиб турибди.

Шоиримизнинг асли касби актёрлик. Тошкент санъат институтини тугаллаб, бир муддат турли театрларда фаолият кўрсатди. Умрининг салкам қирқ йиллини эса Ўзбекистон телевидениесида режиссёрликка бағишлаб, мустикаликнинг дастлабки йиллари нафақага чиққан.

Бугун у фарзандлари, неварачеваралари бағрида қариллик гаштини сурмоқда. Бироқ...

Ха... Дунёнинг бир мириси доим кам, деганлари ростига ўхшайди.

Изтиробларнинг хақиқиysi аёли Мунира келиноий касалликка чалиниб, кўп ҳам ётмай, вафот этгач бошланди. Тўғри, ўғил-қиз, келин-кувёв, неварачевараларнинг бари бири қўйиб бошқаси атрофида парвона. Мана буни энг. Мана буни ичиб олинг. Бизникида туринг, дейишчи жонлари ҳалак. Чойхонада ош дамлаб, дилтортар дўст-ёр, биродар, уфатлар зор. Ижодий учрашувлар, эҳсонун изди-хонмга чорлаб қўни-қўшни, қариндош-уруғ, махалла-қўй интизор.

Баъзан шуларни танасига ўйлаб, Худонинг суйган бир бандаси бўлса, сенча бўлар-да, Султонбой! Намунча ич-этининг кемирмасанг. Аёли ўтиб ёлғиз қолган бир сенимдинг! Вақтида ибодатингни, баҳоликлардан ижодингни қўлиб, шўқр келтириб аша-да энди, дея ўзига-ўзи танбеҳу таскин ҳам беради. Лекин... Эр кишини қўч ойиб кўрган ёри-ёстиқдо-

шдан айрилгулик қилмасин экан. Айниқса, улар бир умр бир-бирларини севиб, севишиб яшаган бўлсалар. Мунира опа вафот этгач, у бирмунча вақт қаловлиниб, ўзини ёлғизларнинг ёлғизи санаб, гарангсиз юрди. У ёқча босса ҳам, бу ёқча босса ҳам ўзини қўйгани жой топа олмасди. Дарду ҳасратларини кўринганга дастурхон қилиш эса табиатиға ёт...

Илгари унчалик ҳис қилмаган экан: севи,

## Таниш тўйғулар

меҳр-оқибат, дарду дардкашлик, сирдошлик тўйғулари нима эканлигини Мунираси ўлганидан кейин юрак-юракдан ҳис қила бошлади. Мана шунда ёзган нарсалари қанақадир, ўзининг дилига ҳам малҳамдай бўлаётганини сезиб қолди. Ана шундай узун тунлар бағрида ёлғиз қолган бир тун унинг қаламига мана бу мисралар қўйилиб келди.

Қариб, ёш гўдак бўлдим, ўйинчоғин йўқотган,  
Кенг ҳовлида ёлғизман, овуңчоғин йўқотган.  
Маҳзун бўлсам юпатиб,  
мен билан дардлашардинг,  
Бор-йўғимга қўнқиб, ёшиманда яшардинг.

Шум ажла бир кун сени эзглаб олиб кетди,  
Қўлим узатсам, етмас, осмонга осиб кетди.  
Ётибсанми, ёмғир, қор остида ун чиқармай,

Тилинг лол бўлганидан ёки мени чақирмай.  
Севадим оддийгина, оҳорсиз юришларинг,  
Ортимда намоз ўқиб, саҳарлаб туришларинг.  
Бирга рўза тутардинг, эслаб оразинг... сўлган...  
Ёнимда энди йўқсан, ўрнингга ҳаво тўлган.  
Тўғри, юқоридagi мисраларнинг бадийяти жуда мақтарли даражада эмасдир. Жумла тўзилиши, изҳори ифодада камчиликлар кўзга ташланар. Бироқ юраги дардли лирик қаҳрамон тўйғуларидagi самимият бизни шоир қалбига беихтиёр ҳамдард қилиб қўяди. Қолаверса, бу борада Султон аканинг ўзлари камтарлик билан жуда топиб айтган мисралари ҳам бор. Мана ўша тўртлик:

Той эдик, от бўлиб зўрға қишнаймиз,  
Биз етишиб ўтдик, бошқа пишмаймиз.  
Тешилган пуфакдек шалвираб қолдик,  
Пуфаманг, бейфойда энди шиммаймиз.  
Шеър — шоир тўйғуларининг иъикоси. Бас, шундай экан, изҳорда самимийлик ниҳоятда муҳимдир. Хайрияти, рисолага кирган шеърларнинг аксарияти ана шу фазилатдан бегона эмас...

Китобчада образларга йўғрилган ибора ва мисралар ҳам талайгина. Мана, қулқотунг-а... «Изгириң иккостор, барларин йиғиб кетди» «Дийдорлашиб турайлик, берқилиб ётган кўртак» «Тиловатли бахши» «Ўзбекининг дўпписи, бағрида бошим турар, Опоқ сочу манглай тер — етмиш беш ёшим турар» «Тоқинг зангиза ўхшаш қўлларингиздан ўпай» «Жийда зули, Сен билан иккимиз онасиз қолдик» «Онажомин, ўша райҳон сизмасми?» Табиат манзаралари, инсоний муносабатларга бадий чехра бағишлаган бундай сатрлар ҳис-ҳаяжондан бегона, илҳом изтиробларига ноошно қалбдан чиқмаслиги аниқ. Шоирнинг ўзи бир шеърда айтганидай:

Хар шоирнинг қалами бошқа,  
Хар шоирнинг алами бошқа.  
Султон аканинг талай шеърларида ана шу «бошқа»чаликни кўргандай бўлдик. Ният эзгулик эрса, мақсад ноумид бўлмас. Биз бу ўринда саксон ёшни қоралаб бораётган бир «тиловатли бахши»нинг битиклари-дан фазилат излагимиз келди...

Абдунаби БОЙКЎЗИЕВ.

# МИЛЛИЙ БАНК: ИМКОНИЯТ, ЮТУҚ, ВАЗИФА

## Давоми. Боши 1-бетда

Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 1 ноябрдаги «Электр энергиясидан фойдаланганлик учун ҳисоб-китоблар механизмни тўдан такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида»ги 511-қарорини бажариш мақсадида банк муассасалари аҳолидан коммунал тўловларни қабул қилиш ишларини олиб борди. Утган йилда коммунал ва бошқа хизматлар учун тўловлар сифатида 44,6 миллиард сўм қабул қилинди. Бу, 2006 йилдагидан 1,4 баравар кўп. Жумладан, 104 та ихтисослаштирилган касса 26,1 миллиард сўм миқдоридagi тўловларни нақд шаклда (23,7 миллиард сўм), шунингдек, пластик карточкалардан нақдсиз пул ечиш йўли билан қабул қилди. Ихтисослаштирилган кассалар қабул қилган жами сумма шундай тўловлар умумий ҳажмининг 60 фоизини ташкил этди.

Нақд чакана ҳисоб-китоблар ҳажмини қаматириш, пул маблағлари банқдан ташқарида айланишини қисқартириш мақсадида пластик карточкалар ушловчилар сонини янада кўпайтириш, улар бўйича кўрсатилган хизматлар доирасини кенгайтириш ва сифатини яхшилаш, пластик карточка эгаларига хизмат кўрсатувчи банкомат ва терминал инфратузилмаларини мақбуллаштириш ишлари давом эттирилди. 2007 йилда муомалага қўшимча равишда 228,8 мингтадан ортиқ карточка чиқарилиб, уларнинг умумий сони 1.135,7 мингтага етказилди. Карточкалар бўйича бажарилган операциялар умумий ҳажми шу йил 1 январдаги ҳолатга кўра 104,76 миллиард сўмдан кўпроқни ташкил этди. Бу кўрсаткич аввалги йилнинг шу санасидагига нисбатан 1,9 баравар кўп.

Сўм пластик карточкаларни қабул қилувчи савдо-сервис корхоналарида нақдсиз тўловлар бўйича оборотлар тораба жадалроқ сурьатлар билан ўсиб борди. Бундай тўловлар ҳажми 2007 йилда 63,4 миллиард сўмдан кўпроқни ташкил этди. Бу эса 2006 йилдаги шу кўрсаткичдан 2,2 баравар ортиқ. Сўм пластик карточкаларни тўлов воситаси сифатида қабул қилувчи савдо-сервис корхоналари сони 2.653 тага етказилди. Уларда 2.846 та савдо терминали ўрнатилган.

Банкнинг халқаро нуфузи барқарор равишда юқориликка қолмоқда. Республиканинг хорижий давлатлар билан иқтисодий алоқаларини чуқурлаштириш, мамлакат иқтисодиётига инвестициялар ва илгор технологияларни жалб этиш борасида Миллий банк зиммасига оқланган вазифаларга мувофиқ, ташки иқтисодий фаолият хорижий банқлар ва халқаро молия муассасалари билан ҳамкорлиқни янада ривожлантириш ва чуқурлаштиришга қаратилди. Ҳозирги кунда банкнинг вакиллик тармоғи 619 та банқни, жумладан, 591 та хорижий молиявий муассасани ўз ичига олган.

Хисобот даврида АКШ, Фарбий Европа, МДХ ва Осиё мамлакатларининг етакчи банқлари билан савдо ва лойиҳаларни молиялаш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни молиялаш, газначилик ва тўлов операциялари, чакана банк хизматлари ва бошқа соҳалардаги ҳамкорликни ривожлантириш масалалари бўйича бир қанча музокара-лар ўтказилди.

Халқаро молия муассасалари билан ҳамкорлик доирасида хисобот даврида ОТБ, ИТБ, ХМК, ОПЕК ва бошқалар билан ҳамкорлик борасидаги фаолиятни янада кенгайтириш ишлари амалга оширилди. Бундан ташқари, 2007 йилда Хитой, Корея ва бошқа давлатларнинг йирик банқлари билан бир қанча икки томонлама кредит битимлари имзоланди.

Катта миқдордаги сармоя, кенг миқозлар ва ресурс базаси, ирчи ва халқаро нуфуз, замонавий бошқарув усуллари, энг янги банк маҳсулотлари ва технологиялари Миллий банкка ўзининг бундан бўёнги молиявий ўсиш стратегиясини дадил режалаштириш имконини бермоқда.

Шуларни ҳисобга олиб, 2008 йил учун ривожланишнинг устувор йўналишлари белгиланди. Булар, хусусан:

— Банкнинг кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни, шунингдек, мамлакат иқтисодиёти тораба жадалроқ ривожланишига, унинг экспорт салоҳияти орттиришга жиддий таъсир кўрсатувчи инвестиция лойиҳаларини молиялашдаги ролинини ошириш;

— Банк миқозларига кўрсатилган хизматлар турларини кўпайтириш;

— кенг доирадаги чакана хизматларни тақдим этиш йўли билан чакана бизнесни янада ривожлантириш ҳамда истеъмол кредитларининг, жумладан, овердрафт ва ипотека кредитларининг ҳар хил турларини ривожлантириш;

— инвестиция банкнинг ривожлантириш ва миқозлари инвестиция хизматлари кўрсатиш;

— кичик бизнес ва хусусий тадбиркорларга кўрсатилган хизматлар доирасини анча кенгайтириш;

— хорижий банқлар ва халқаро молия муассасалари билан ҳамкорликни чуқурлаштириш, хусусан, Хитой, Жанубий Корея ҳамда Осиё ва Тинч океани минтақасидаги бошқа давлатлар банқлари билан муносабатларини янада ривожлантириш;

— банқларга ҳисоб-китобларни кенгайтириш ва ўз миқозлари учун хизматларни диверсификациялашдек долзарб вазифалардан иборат.

Х. ЁДГОРОВ.

## Ҳаётини қангомалар

Бу воқеа 1950 йилларда қишлоғимизда юз берган эди. Маманиёв медицина кўригидан ўтолмади. Дарди ҳалила безгак панд берди. Тилмоч Бойтулла абзий ФЗУ — фабрика ва заводлар учун касб-ҳунар тайёрловчи билим юрти эканлигини тушунириб, уни ўқишга қўндириб ҳам қўювди, афсус...

## КўРҚАНГА ҚЎША КЎРИНАР

Қишлоққа қайтар экан, ФЗУга юборишдаги тушунмовчиликлар, турли қангомалар унинг ёдига тушиб, ўзига наъша қилди.

«...Ўша кўни Маманиёв Бўрибоев Қалчиғай адирига шувоқ чопган кетайтанди. Кимдир чақиргандай бўлди. Ортига қараса, Мирусмон тоға отда келарди.

— Жиян, раис сени йўқлапти, ФЗУга жўнатаркан.

— Амаки, ФЗУси нима ўзи? — қўрқа-писса сўради.

— Билмасам, армия-пармияга ўхшаган бирор нарса бўлса керак-да.

Маманиёв гарангсиз қолди. Отасидан келган «қора хат» ёдига тушди, ҳарнечук хўрлиги келиб, кетмон билан арқонни улоқтириб Арчамозор тоғига қараб қочди. Чопар уни қува кетди. Ёш эмасми, хаш-паш дегунча Силлиқтошга тирмашди. От баландликка юролмади. Мирусмон тоға яёв чопишга мажбур бўлди. Бироқ Маманиёвни қувиб етолмаслиги аниқ эди, шунинг учун найранг ишлатиб бор овози билан бақирди:

— Тўхта, отаман!

Арчамозор тоғи ҳам ўз навбатида акс-садо берди.

— Тўх-таа! Ота-ман-н! Ота-ман-н!

Маманиёв таққа тўхтади. Ортига қараса, Мирусмон тоғанинг қўлида тўппонча. Тепкини босса борми...

— Қилт этсанг, қулөгиндан дарча очаман! Қани, олдимга туш! Улар бирин-кетин идорага кириб келишди. Раис чақирув қозғоғига қўл қўйдириб олгач, Маманиёвга гапинг лўндасини айтди.

— Жиян, қочиб қайга ҳам борардинг! Эртага ФЗУга жўнайсан, сафар халтангни тайёрла...

Маманиёв тақдирга тан бериб, ўрнидан тураркан, беихтиёр Мирусмон тоғога юзлангач, хайратдан донг қотиб қолди.

У ўнг қўлида тўрт буклаб, қиррасидан тўппонча шаклида ушлаган саҳтиён дўпписининг кизакларини ёзиб, қафтига бир уриб бошига кияркан, муғомбирона тиржайиб қўйди.

Турсунбой АДАШБОВЕВ.

# «Пахта Банк» «Маиший тўлов»


жамғарма омонат турининг фоиз ставкасини оширди. Энди у 30 фоизни ташкил этади. Омонатга ўзингиз учун мақбул миқдорда маблағни қўйиб, коммунал тўловларни ҳеч қандай қийинчиликларсиз ўз вақтида тўлаб борилишига эришасиз.

## Омонатнинг муддати 2 йил.

# «ПАХТА БАНК» - БИЗ БИЛАН ҲАМИША ҚУЛАЙ!

Бундан ташқари, «Пахта Банк» қуйидаги жамғарма ҳамда муддатли омонат турларига бўш пул маблағларингизни қўйишни таклиф этади:

Омонат (депозит) номи	Муддати	Йиллик фоиз ставкаси	Бошланғич бадал
«Болалар келажагимиз» (14 ёшгача болалар учун) жамғарма	1-5 йилгача	12%-18%	10 000 сўм
«Навиҳол» (16 ёшдан 25 ёшгача) жамғарма	1 йил	МБ қайта молиялаш ставкасида	1 000 сўм
«Баркамол авлод» жамғарма	1-3-6-9-12-15 ва 18 ой	30%	10 000 сўм
«Оқ Олтин» муддатли	6 ой	18%	2 000 сўм
«Пахтакор» муддатли	3 ой	16%	10 000 сўм
«Фаровонлик» муддатли	3-6 ойгача	16%-18%	5 000 сўм
«Барака» муддатли	3-12 ойгача	12%-18%	20 000 сўм
«Саховат» муддатли	1 йил	18%	20 000 сўм
«Баҳор» муддатли	9 ой	18%	20 000 сўм
Истеъмол омонат муддатли	3 йил	10%	«Истеъмол кредит» миқдорининг 30 фоизи



«ПАХТА БАНК» ФАРОВОНЛИГИНИГИЗ ҚАЛТИДИР!  
Хизматлар лицензияланган.

## ПАРТИЯ МОЛИЯВИЙ АХБОРОТИ

Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партиясига 2008 йилда давлат бюджетидан ажратилган маблағ 362 миллион 375 минг сўмни ташкил қилади.

«Сийсий партияларни молиялаштириш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни асосида партиянинг молиялаштирилиши натижа-сида шаҳар ва туман кенгашларида 154 нафар, вилоят кенгашларида 55 нафар, Марказий кенгашда 25,5 нафар ходим фаолият кўрсатмоқда.

ЧП «VIZIT — IXS» Учтепинского р-на соообщает об уменьшения уставного фонда с 8.462.500 сум на 300.000 сум. Претензии принимаются по тел: 188-51-30.	Утеранный диплом №395508 выданный медицинским железнодорожным колледж-ем Сергеевского р-на (в настоящее время называется «Сергеи медколледжи») в 2000 г. на имя Менглимуратовой Мухаббат Зинаждиновны считать недействительным.
Утеранный гос.ордер №03-02/4060 от 17.02.93. права собственности на квартиру на имя Эшкuvatова Гульнора Насыровна считать недействительным.	Утеранные кадастровые документы №9 — 75/2001 на частную фирму «ARZANDA — NODIRXON» расположенную по ул. Сайрам 37 «а» Мирзо Улугбекского р-на г. Ташкента считать недействительным.
ЧП «EUROSET PRIMA» (хусусий фирма ЧП «EUROSET PRIMA») зарегистрированное отделение государственной регистрации субъектов предпринимательства хокимията Чиланзарского района г. Ташкента №001661 от 09.01.2006 г. (ИНН 205954892) ликвидируется (на основании решения учредителя №2 от 20.02.2008 г.). Претензии принимаются в течении одного месяца со дня публикации объявле-ния по адресу г. Ташкент м-в Чиланзар 2 дом 64 кв.20. Тел: 321-70-34.	ЧП «Дилерабегим Доинер» Яккасарайско-го р-на г. Ташкента ликвидируется. Претен-зии принимаются в течение месяца по т. 250-45-33 250-02-75.
ЧП «EUROSET ALFA» (хусусий фирма ЧП «EUROSET ALFA») зарегистрированное отделение государственной регистрации субъектов предпринимательства хокимия-та Чиланзарского района г. Ташкента №001787 от 28.02.2006 г. (ИНН 206171965) ликвидируется (на основани-и решения учредителя №2 от 20.02.2008 г.). Претензии принимаются в течении одного месяца со дня публикации объявле-ния по адресу г. Ташкент м-в Чиланзар 2 дом 64 кв.20. Тел: 321-70-34.	Ташкент шаҳар Бектемир тумани «Водник» мавзесининг 31 «а» уй 44-хонадо-нида жойлашган «SVETLIK TYP» фирмаси тугатилди. Давъолар 295-29-02 телефон рақами орқали қабул қилинади.

В связи с утратой разрешения на право осуществления трудовой деятельности выданной заместителю директора ООО «SERA FOOD» гр. Турции Акин Мустафа Министерством труда Республики Узбекистан, считать недействительным.

УзМТДП Марказий кенгаши девони жа-моаси девон ходими Илҳом Султоновга акаси, фахрий журналист, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими Ёкубжон ИБРАГИМОВНИНГ вафот этганлиги муносабати билан чу-қур таъзия изҳор қилади.

Муассис: «Миллий тикланиш» демократик партияси

Миллий тикланиш

Бош муҳаррир Ҳосил КАРИМОВ

ТЕЛЕФОНЛАР: Қабулхона — 233-67-51. Бўлимлар — 236-58-73.  
E-mail: milliy-tiklanish@mail.ru

Мянзилмиз: Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй

Газета таҳририят компьютер базасида терилди ва саҳифаланди.

Босишга топшириш вақти 22.00

Нашр кўрсаткичи — 158

Газета 02 23-рақам билан рўйхатдан ўтган.

Буюртма: Г — 123. Ҳажми 2 босма табоқ.

Адаби 2848 Сутувада эркин нарҳда

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.

Манзил: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй